ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҒОЯВИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ЎРНИ

Абдурасул Амонлаев – Жиззах ДПУ кафедра мудири, ф.ф.н., доцент
Абрар Тураев – Жиззах ДПУ доценти, ф.д. (PhD).

Аннотация

Мазкур мақолада глобаллашув давридаги ғоявий-мафкуравий таъсирлар ортиб бориши шароитида ёшлар, хусусан, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, жамият ҳаётига дахлдорлик туйғуларини ривожлантиришда маънавий-маърифий чора-тадбирларнинг ўрни ҳамда таълим-тарбияда ёшлар қатламларига муносабатда илмий-тадқиқий жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигига урғу берилади.

Калит сўзлар: ёшлар, уюшмаган ёшлар, таълим, тарбия, ғоя, мафкура, оломон маданияти, фуқаролик жамияти, дахлдорлик, глобаллашув.

Annotation

This article highlights the role of spiritual and educational measures in working with young people, in particular, unorganized youth, forming a strong life position in them, and developing a sense of involvement in the life of society in the context of increasing ideological and ideological influences in the era of globalization. In addition, emphasis is placed on the need to pay attention to scientific and research aspects in relation to youth groups in education.

Keywords: youth, unorganized youth, education, upbringing, idea, ideology, mass culture, civil society, involvement, globalization.

Аннотация

В данной статье освещается роль духовно-воспитательных мероприятий в работе с молодежью, в частности, неорганизованной молодежью, формировании у них прочной жизненной позиции, развитии чувства сопричастности к жизни общества в условиях усиления идеологических и идеологических воздействий. в эпоху глобализации. Кроме того, акцент делается на необходимости уделять внимание научно-исследовательским аспектам применительно к молодежным группам в образовании.

Ключевые слова: молодежь, неорганизованная молодежь, образование, воспитание, идея, идеология, массовая культура, гражданское общество, вовлеченность, глобализация.

Шарқ халқларига хос бўлган таълимни тарбиядан ажратиб бўлмаслик тамойили барча даврларда ҳам давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳатлар жараёнида ижтимоий-маънавий асос бўлиб келган. XX асрнинг сўнгги чораги инсоният тарихида улкан ўзгаришлар даври сифатида эътироф этилади. Айниқса, курраи заминдаги миллатлар ва элатлар ўз эркига ва мустақиллигига эришди ва мустақил давлатчилигига асос солдилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач халқаро мезонларга асосланган демократик тамойиллар устуворлиги эътироф этиладиган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб олди. Энг аввало демократик қадриятларни ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш амалга оширилаётган ислоҳатларнинг назарий асослари сифатида эътироф этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократик қадриятлар ва тамойилларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлиши, аввало, мазкур тамойилларнинг фуқаролар томонидан қанчалик англанишига боғлиқ. Мазкур масалага ёндашишда республикамиз аҳолисининг аксарият қисми ёшлардан иборат эканлигини инобатга олиш лозим.

Шу жиҳатдан ёшлар замонавий дунёқарашининг шакллантирилиши таълим–тарбияга бевосита боғлиқ эканлиги аён бўлмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий негизлари тубдан ўзгарди. Буни ёшлар дастлаб қандай қабул қилади? Уларнинг бунга тайёргарлик даражаси қандай эди? Чунки мамлакатдаги бозор иқтисоди билан боғлиқ янгича тартиботлар ва қадриятлар уларнинг онги ва тафаккури, қарашларининг тубдан ўзгаришига асос яратди. Уларнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси ҳам ўзгариши табиий эҳтиёжга айланди[2;6]. Ҳаётий идеалларни қаердан излаш, нимага мўлжал олишни билиш, ёшларда қандай эзгу ғоя ва тушунчалар асосида ижтимоий масъулият туйғусини уйғотиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди. Ёшлар ижтимоий-маънавий қиёфасини шакллантириш, олдимизга қўйган улкан мақсаднинг туб маъно- мазмунини англай олиши учун оила, маҳалла ва таълим- тарбия муассасалари ҳамкорлигини изчиллик билан амалга оширишга эътибор берилди.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш кўп жиҳатдан келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг қанчалик замонавий билимларни тўлиқ эгаллаши, турли хил вайронкор ғояларга қарши ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий иммунитетнинг ҳосил қилиниши ва албатта масъулият ва дахлдорлик туйғуларининг шаклланганлигига боғлиқдир. Чунки, ҳозирги глобаллашув даврида огоҳлик ва умумдавлат манфаатлари учун ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш давр талабига айланган. Таълим – тарбия жараёнида эса “оила-мактаб-маҳалла” концепцияси мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш даркор. Аввало замонавий ёшларнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси оиладан шакллантирилади. Жамоада, маҳаллада миллий қадриятлар руҳида ривожлантирилади, таълим муассасаларида эса янада мустаҳкамланади.

Президентимиз ташаббуси билан таълим жараёнида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатлар, таълим муассасалари моддий-техник базасининг модернизация қилиниши ва ёшларимиз замонавий маънавий қиёфаси шакллантирилишинг муҳим омилларидан бири сифатида ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўзлаштириш борасида махсус қарор ва фармонлар, ҳукумат дастурларининг ҳаётга тадбиқ этилиши диққатга сазовордир. Айниқса, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, турли бузғунчи ғояларга қарши курашиш, глобаллашув тақдим этаётган ютуқлардан тўғри ва самарали фойдаланиш масаласида ахборот технологияларини ўзлаштириш ва хорижий тилларни ўрганиш ҳозирги замон кишиси учун жуда муҳимдир. Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳатларнинг пировард

мақсади экан, таълим-тарбия жараёнида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим:

Биринчидан, таълим тизимида ижтимоий фанларнинг ўқитилишини янада ривожлантириш ва уларнинг назарий-метадологик асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Чунки ижтимоий фанлар баркамол шахс дунёқарашини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи муҳим омиллардан биридир. Зеро бугунги кундаги малакали мутахассис ҳар томонлама етук билимлар соҳиби бўлиши даркор. Нафақат ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимларни эгаллаши, балки ўзи яшаб турган жамиятда содир бўлаётган жараёнларни, янгиланишларни таҳлил қила оладиган кенг қамровли билимларга эга бўлиши лозим. Айниқса, давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиётда бўлаётган туб ўзгаришларни таҳлил қила олиши ва танқидий мушоҳада қобилиятига эга бўлиши замонавий давр кишисининг ижтимоий-мафкуравий қиёфаси шаклланишининг муҳим омилидир;

Иккинчидан, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, улардаги дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, ён-атрофда кечаётган ўзгаришлар, янгиланишлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиш каби дунёқарашни шакллантириш баркамол шахс маънавиятининг муҳим асослари ҳисобланади. Муҳим масалалардан бири ёшларда бегоналашув, маргиналлик ҳолатига тушишининг олдини олишдир. Маргиналлик ҳолатига, одатда, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, соғлом маънавий эҳтиёжи шаклланмаган, тажрибасиз, ғўр ёшлар тушиши мумкин. Улар учун аксарият ҳолларда миллат, Ватан, халқ манфаати, ўзликни англаш, дахлдорлик ҳисси каби тушунчалар бегона. Шунингдек, айрим ёшларда учрайдиган ижтимоий сустлик, ҳуқуқий маданият, сиёсий саводхонликнинг етарли эмаслиги уларнинг ўзи яшаб турган жамиятдан, унинг қувончу ташвишларидан бегоналашиб, четда туришига олиб келишини англаш лозим. Айниқса, ёшларда ислоҳатларни “ислоҳатбозлик”дан, демократияни “демократиябозлик”дан ажрата оладиган дунёқарашни шаклантириш зарур. Миллий ғоя тарғиботи, сиёсий онг ва маданиятни ривожлантириш, ватанпарварлик ғояларини кенг тарғиб этиш ҳар қандай демократик таълимнинг ажралмас қисмидир. Шу жиҳатдан, ўқитишнинг замонавий усул ва услубларидан фойдаланиш, таълим жараёнида миллий менталитет ва шарқона одоб-аҳлоқ мезонлари уйғунлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий бегоналашувини бартараф этишнинг энг самарали ечими замонавий ва ёшларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиб бориши ҳисобга олинган таълим ва тарбия воситаларидар.

Мамлакатимиз равнақи ва барқарор тараққиёти кўп жиҳатдан келажак эгалари бўлган ёшларнинг қай даражада юксак ахлоқий тарбияланганлиги, замонавий билимлар билан қуроллантирилганлиги ҳамда ватанпарварлик руҳида вояга етганлигига боғлиқдир. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида ёшлар тарбияси янада долзарб масалага айланган. Зеро, “Дунёдаги айрим сиёсий марказлар томонидан баъзи ҳудудларда сунъий равишда беқарор вазият юзага келтирилмоқда, норозилик кайфиятлари авж олдирилмоқда”[1;296].

Шахс сифатида шаклланишга кучли таъсир кўрсатувчи ижтимой муҳит, унинг турли маълумотлар қуршовида қолаётганлиги индивиднинг келгуси ҳаётий мўлжалларини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Яъни, бугунги кун ахборотларининг мазмуни ва моҳияти индивиднинг шахс бўлиб шаклланишига кучли таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ахборот ташув воситалари, тарғибот технологиялари ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутади. Шундай экан, аввало ёшлар қатламларини турли чалғитувчи ва ғаразли ахборотлар, ёшларнинг маънавий-эстетик эҳтиёжларини муайян мақсадлар асосида қондиришга қаратилган оломон маданияти таъсиридан ҳимоя қилишнинг янгича инновацион тизимига бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Бу борада қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори соҳадаги қатор камчиликларни бартараф қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бугунги мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий

баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этаётганлиги, хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда. Айниқса, “Турли мафкуравий полигонлар таъсирида юз бераётган ҳатарли жараёнлар моҳиятини англаш даражаси пастлиги, бу ҳақда зарур билим ва яхлит тасаввурнинг шаклланмаганлиги эса, ушбу йўналишдаги таҳдидларга қарши кураш ва жамиятимизни ғоясизлашиш хавфсидан сақлашга қаратилган ишларни такомиллаштириш вазифасини ўртага қўймоқда”[1;294].

Юқоридаги қарорда маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, нима учун айнан уюшмаган ёшларга эътибор қаратиш, уларнинг бандлиги ва фаол фуқаролик муносабатларини қарор топтиришга катта аҳамият берилмоқда? Чунки уюшмаган ёшларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари қамровидан чиқиб кетиши, муайян социал-психологик таъсир доирасидан ташқарида бўлиши уларнинг ижтимоий жараёнлардан бегоналашувига сабаб бўлади. Яъни, ёшлар бирор бир давлат ёки нодавлат муассасада ишламаса, ўқув-тарбия жараёнига жалб қилинмаган холатда турли ёт ғоялар таъсирига тушиш, оломон маданиятига берилиш ҳолатлари кузатилади. Шу сабабли уюшмаган ёшлар билан ишлашга янгича ёндашувни талаб қилади. Фикримизча, юртимизда янгидан ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг асосий фаолият йўналиши мазкур масалага қаратилган бўлиши лозим. Бугунги кунда барча таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотларига жалб этилган ҳамда фаол хизмат қилиб келаётган ёшлар ҳаётий мўлжалларининг аниқлиги, ижтимоий –маданий савиясининг юксалиб бораётганлигини кўриш мумкин. Таълим жараёнидан узилган, асосий мақсади моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва маданий оқартирув жараёнларидан четда қолаётган ёшлар эса кўпроқ оломон маданиятига берилувчан бўлиб қолмоқда. Чунки оломон маданияти ўзининг ташқи жалб қилувчи хусусиятлари ва тез ўзлаштирилиши билан ўзига тортади натижада эса эстетик-бадиий диди паст, доим тез ўзлаштирилувчи “маданият” намуналариги мойил авлод шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида ёшларда ўз ҳаётий мўлжалларини аниқ белгилай олмаслиги ҳамда ахлоқий тамойиллар ва миллий қадриятларга беписанд муносабатда бўлиш кўникмасини ривожлантиради. Бундан ҳолатларнинг олдини олишда албатта маданий-маърифий чора-тадбирларнинг ўрни муҳимдир. Юксак даражада тизимли ва манзилли ташкиллаштирилган ғоявий-тарбиявий тадбирлар ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш билан бирга уларни ижтимой-сиёсий ҳолат, мамлакатимизда кечаётган ислоҳатлар билан таништириш имконини ҳам беради.

Маданий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда ёшлар билан ишлашнинг бир қатор ўзига хос қонуниятларига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, уларнинг ёшга доир қатламлашуви, уларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, ёшликка хос ижтимоий комплекслар ва бугунги кун ёшлари муаммоларига улар нигоҳи билан қараш каби. Уюшмаган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жипслаштириш ва жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини оширишда уларга салбий таъсир кўрсатаётган оломон маданияти ва бузғунчи ғояларни тарғиб қилувчи восита ва усуллардан айнан қарши курашишда фойдаланиш лозим. Масалан, ёшлар интернет ёки ижтимоий тармоқлардан зарарлаётган бўлса, унга қарши курашишда ҳам айнан ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш лозим. Ёки

турли бадиий савияси паст аудио – видео маҳсулотлардан зарарланаётган бўлса, айнан қарши курашишда шу воситалардан самарали фойдалиш мумкин. Бир сўз билан айтганда уюшмаган ёшлар олаётган ахборот ташув воситалари, таъсир кўрсатиш технологияларидан уларга қарши курашишда ҳам фойдаланиш керак.

Умуман, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда фикримизча қуйидаги туркум чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

Биринчидан, аввало давлатмизнинг ёшларни иш билан банд этишга қаратилган фаол сиёсатини кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш. Хусусан, бу борада асосий масъулиятни фақатгина давлат бошқарув органларига топшириб қўймасдан, нодавлат сектор, хусусий тадбиркорлар иштирокини оширишга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бунда тадбиркорларнинг очиқ кадрлар саралаш тизимининг комплекс дастурига эҳтиёж сезилади. Яъни тадбиркор кадрлар танлашда фойдаланиши ҳамда ўз фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришда бугунги кунда ОАВ тизимида етакчилик қилаётган давлат ОАВларидан фойдаланишда имтиёзлар жорий қилиш лозим бўлади;

Иккинчидан, жойларда уюшмаган ёшларни фаолликка чорловчи туркум дастурлар, маданий-маърифий учрашувларни ташкил қилиш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар марказлари, лозим бўлса маҳалларда маданият уйларини ташкил қилиш лозим. Шу орқали санъат олийгоҳларини тугатиб бугунги кунда ўз профессионал фаолиятини йўлга қўя олмаётган ёшлар вакиллари ҳам иш ҳамда самарали фаолият билан банд бўлишига эришилади;

Учинчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кўмаги ва бевосита ташаббускорлигида фаол тарғиботчи ёшлар гуруҳларини ташкил қилиш, улар фаолияти учун барча замонавий шарт-шароитларни яратиш орқали уюшмаган ёшлар қатламларини фаол ёшлар вакиллари орқали жалб қилиш мақсадга мувофиқдир;

Тўртинчидан, ёшлар ташкилотлари фаолиятида истеъмолчилик маданиятини ривожлантиришга қаратилган принципал ёндашув шакллантирилиш лозим. Бугунги кунда кам сонли ижтимоий ролик ва рекламалар орқали амалга оширилаётган бўлса-да, барча тармоқларни қамраб ололмаяпти. Ёшларнинг “оммавий маданият”га берилиши бу бевосита истеъмолчилик маданиятининг етарлича шаклланмаганлигининг натижасидир. Бундан ташқари, сиёсий партиялар дастурларида ёшлар масалалари жой олган бўлса-да, истеъмолчилик маданияти омили эътибордан четда қолмоқда. Вакиллик органларидаги масъуллар етарлича эътибор қаратишмаяпти. Муаммога тегишли қонунлар қабул қилиш зарурати мавжуд.

жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдалилмаяпти. Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида турли кўнгилочар, санъат соҳасидаги эҳтиёжларни таъминлашга қаратилган “товар”ларни таъқиб қилиб бўлмайди. Аксинча, мазкур “товар”лар истеъмолчилари қандай шаклланаётганлигига эътибор қаратиш лозим.

Бешинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш. Бу вазифа давлат ва фуқаро муносабатларининг мазмунини белгиб беради. Фуқарода дахлдорлик туйғуси ва фаол фуқаролик позицияси шалкллантириши лозим. Шундагина у давлат идорасининг хал учун хизмат қилишини чуқур англайди. Амалга оширилаётган ислоҳотларни тушунади ва танқидий-таҳлилий дунёқарашга эга бўлади.

Адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O’zbeksiton” нашриёти, 2021.

2.Эргашев И. Замондош ёшлар қиёфаси// Ахборот асрида таълим-тарбия.– Тошкент: Akademnashr, 2012.